


РЕСПУБЛИКА МАҶНАВИЯТ ВА МАҶРИФАТ МАРКАЗИ



МУСТАҚИЛЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

1991–2016 йилларда
Ўзбекистоннинг халқаро
ҳаёти





МУСТАҚИЛЛИК НАШИДАСИ

1991 йил 31 август куни Тошкентда

Республика Олий Кенгашининг
навбатдан ташқари VI сессиясида

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги
эълон қилинди.

**1 сентябрь – Мустақиллик куни деб
эълон қилинди.**

“Ўзбекистон Республикасининг
давлат мустақиллиги асослари
тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.




ЭЪТИРОФ


1992 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси
Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши
(ЕХҲК)га қабул қилинди.

1992 йил 10 марта Ўзбекистон Республикаси
Шимолий Атлантика ҳамкорлиги Кенгаши
(ШАҲК)га аъзо бўлди.

1992 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси
Европа Тикланиш ва тараққиёт банки аъзоси
бўлди.

1996 йил 19 январда Буюк Британия нашри
“TIMES” газетасининг Ўзбекистонга
бағишлиланган до саҳифалик иловаси босиб
чиқарилди.





ЭЪТИРОФ

2001 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси
“Шанхай форуми”га аъзо бўлди.

2006 йил 24 январда Евросиё иқтисодий
ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари
Давлатларо кенгашининг Санкт-Петербург
саммитида Ўзбекистон Республикаси мазкур
ташкилотга расман аъзо бўлди.

2013 йил 21 июнь куни “Бухоро” халқаро аэропорти
Фуқаро авиацияси “Аэропорт” ассоциациясининг
“МДҲ мамлакатлари орасида йилнинг энг яхши
аэропорти” йўналишида мукофотга сазовор бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ) АЛОҚАЛАРИ

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди.


1993 йил 26–28 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош

Ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этиб,
нутқ сўзлади.

2002 йил 18 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Бу дунёдаги

энг нуфузли халқаро ташкилот раҳбарининг
Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиё давлатларига биринчи ташрифи эди.






ЭЪТИРОФ

**1993 йил 19 декабрда ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон ўртасида
Ўзбекистоннинг БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси
(ЮНИСЕФ)га аъзо бўлиб кириши ҳақидаги Битим
имзоланди.**

**1993 йил сентябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон
тариҳида биринчи бор Халқаро Валюта фондининг
доимий ваколатхонаси очилди.**

**1993 йил сентябрда Ўзбекистон Халқаро Молия
корпорацияси аъзолигига қабул қилинди.**

**2007 йил 14 августда Таълим, фан ва маданият
масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO)
Тошкентни “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон
қилди.**





ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ ДУНЁ АРЕНАЛАРИДА

1994 йил 25 февралда ўзбекистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Лина Черязева Норвегияда бўлиб ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида чемпион бўлди.

1996 йил 16 апрелда профессионал бокс тарихида илк бор ўзбекистонлик Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлди.

1998 йил 22 май куни ўзбек алпинисти Рустам Ражапов Жомолунгма тоғининг энг баланд чўққисига Ўзбекистон байроғини тикди.

2004 йил 13 июлда Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлди.

2004 йил 26 августда ўзбекистонлик курашчи Александр Доктурашвили юонон-рум кураши бўйича, Артур Таймазов эса эркин кураш бўйича 28 ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди.



ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

- 1995 йил 25 майда** Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлиги – “Зарафшон-Ньюомонт” қўшма корхонаси очилди.
- 1992 йил 24 августда** “ЎзДЭУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.
- 1999 йил 19 марта** “СамКочавто” қўшма корхонаси тижорат фаолияти бошлади.
- 2003 йил 20 декабрда** Қашқадарёда Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди.
- 2008 йил 18 декабрда** Ўзбекистонда “General Motors Powertrain Uzbekistan” қўшма корхонаси ташкил этилди.
- 2009 йил 4 сентябрда** Самарқандда Ўзбекистон – Германия “JV MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонаси очилди.
- 2000 йил 7 августда** Пекинда биринчи Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси – “Ўзбек ярмаркаси” очилди.



ИФТИХОР

1998 йил 5 февралда парвози
муваффақиятли якунланган Американинг
“Шаттл-Эндевер” космик кемасида
Америка астронавтлари билан бирга ўзбек
космонавти Солижон Шарипов ҳам бор
эди.

1999 йил 1 февралда Ўзбекистонда
“Кураш” Халқаро ассоциацияси очилди.

2010 йил 27 майда Гарварддаги халқаро
Кичик сайёralар маркази ўзбекистонлик
олимлар томонидан очилган кичик сайёра
— “Самарқанд” ни 70135-сонли циркулярида
қайд этди.



ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР


1998 йил 23 октябрда буюк мутафаккир Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди.

1998 йил 24 октябрь. Фарғонада Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи бўлиб ўтди.

2000 йил 16 ноябрда буюк мутафаккир, Ислом фиқҳининг асосчиларидан бири, шайхулислом Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

2000 йил 17 ноябрда Самарқандда ислом фанининг машҳур даҳоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи кенг миёсда нишонланди.

2004 йил Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги нишонланди.





КЎҲНА ТАРИХ ЖАҲОН НИГОҲИДА

1997 йил 2 апрелда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги,

19 октябрда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги,


20 октябрда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги
нишонланди.

2002 йил 1 ноябрда Шаҳрисабз шаҳрининг 2700
йиллиги, **12 сентябрда** Нукус шаҳрининг 70 йиллиги
нишонланди.

2001 йил 8 декабрда Самарқанд меъморий-тарихий
ёдгорликлари Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

2007 йил 25 августда Самарқанд шаҳрининг 2750
йиллик юбилейи, **7 сентябрда эса** Марғilon
шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантаналар
бўлиб ўтди.


2009 йил 1 сентябрда Тошкент шаҳрининг 2200
йиллиги бўлди ва Тошкент шаҳри “Мустақиллик”
ордени билан мукофотланди.



30

МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШДАН –
МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ
САРИ

2017–2021 йилларда
Ўзбекистоннинг халқаро ҳаёти





• ў

ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ ТУБ БУРИЛИШ

Ўзбекистон Президенти раҳбарлигига ишлаб чиқилган ва 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси асосий устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

2017 йилдан Ўзбекистоннинг МДҲ доирасида жадал маданий дипломатик фаолияти йўлга қўйилди.

АҚШ маъмурияти 2006 йилдан бўён илк бор Ўзбекистонда диний эркинликлар тўлиқ таъминланган мамлакат сифатида **минтаقا давлатлари учун намуна** деб эълон қилди.

2018 йил Самарқанд шаҳрида **Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форуми** ўтказилди.



ЭЪТИРОФ

2018 йил 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабзда “Халқаро мақом санъати анжумани” бўлиб ўтди. Унда дунёning 73 та давлатидан келган 300 га яқин машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари қатнашди.

2018 йилда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган ШХТнинг 18-саммитида Ўзбекистон вакили Владимир Норов Ташкилотга Бош котиб этиб тайинланди.

2018 йил мартда Афғонистон тарихида халқаро миқёсдаги энг кенг қамровли олий даражадаги Тошкент конференцияси якунида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос Дастур – “Тошкент декларацияси” қабул қилинди.

2018 йил 12-13 октябрь кунлари “Санъат ҳамдўстлиги” номли маданият ва санъат тўғрисидаги давлатларо ахборот-таҳлилий журналининг 2019 йилдаги навбатдаги сони Ўзбекистон Республикасига бағишиланди.




ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий Кенгаш)га аъзо бўлди.

18-19 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Душанбе шаҳрида МДҲга аъзо давлатлар маданий ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида МДҲга аъзо давлатлар маданий меросининг виртуал музейини ташкил этиш тӯғрисида билдирган таклифига асосан МДҲга аъзо давлатларнинг Виртуал маданий мерос музейи тӯғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ишчи гурӯҳ тузиш тӯғрисида, Кенгаш аъзоларига МДҲ Ижроия қўмитасига аъзоликка номзодлар бўйича таклифлар бериш тӯғрисида қарорлар қабул қилинди.

23 сентябрь куни Прагадаги Миллий музейнинг тарихий биносида “Янги Ўзбекистон: ноёб маданий ташабbuslar” мавзусида конференция бўлиб ўтди.





ЎЗБЕКИСТОН ПАНДЕМИЯТ ШАРОИТИДА

2020 йил жаҳон миқёсида пандемия шароити эълон қилинди, давлатлараро бевосита алоқалар чекланди ва ишлаб чиқариш муносабатлари музлатилди.

Пандемияга қарамасдан, Ўзбекистон Президентининг Туркия, БАА, Саудия Арабистонига ташрифлари, ҳамда Туркия ва Миср раҳбарларининг юртимизга сафарлари **Яқин ва Ўрта Шарқнинг нуфузли давлатлари билан янги саҳифа очди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев **70** дан зиёд хорижий давлатлар раҳбарлари билан телефон мулоқотлари, видеоанжуман тарзида уюштирилган саммит ва олий даражадаги халқаро тадбирларда иштирок этди.



ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

2017–2019 йилларда Осиё-Тинч океани мінтақаси мамлакатлари раҳбарлари (ХХР билан – 3 та – 2017, 2018, 2019йй.; Корея Республикаси билан – 2 та – 2017, 2019йй.; ва Япония билан – 1 та – 2019й.) билан 6 та ҳамкорлик учрашувлари ўтказилди.



МИЛЛИЙТИКЛАНИШДАН - МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

2020 йил Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши олий даражадаги саммитида тўлақонли иштирок этди.

Давлатимиз Раҳбари БМТ Бош Ассамbleяси 75-юбилей сессиясида илгари сурган бир қатор долзарб ва давр талабаридан келиб чиққан ташабbusларини изчил амалда татбиқ этиш мақсадида тегишли “Йўл харита”лари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси этиб сайланди.

11 декабрда Ўзбекистон-Хиндистон олий даражадаги виртуал саммити бўлиб ўтди.



ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ОНЛАЙН- ТАДБИРЛАР

2020 йилнинг ўзида 5 та олий даражадаги онлайн-тадбирлар уюштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ХХР Раиси Си Цзиньпин билан (май), Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан (апрель ва октябрь) мулоқотлари ҳамда 2 та халқаро миқёсдаги тадбирларда (Корея Республикасининг Шимолий иқтисодий ҳамкорлик халқаро форуми (октябрь) ва Хитойнинг Импорт маҳсулотлари учинчи халқаро кўргазмаси)да иштироки таъминланди.

2020 йилда Ўзбекистон **6** та универсал ва **5** та мінтақавий характердаги кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилди.




ИНСОНПАРВАРЛИК ЙЎНАЛИШИДА

2020 йилда Европа иттифоқи билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик битими имзоланди.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди.
Европа Иттифоқининг GSP+ бенефициар мақомига эришиш учун изчил ва натижадор ишлар қилинди.

Ўзбекистон халқи номидан **10 та** мамлакат
(Озарбайжон, Беларусь, Россия, Хитой, Эрон, Венгрия,
Қирғизистон, Тоҷикистон, Афғонистон,
Қозогистон)га гуманитар кўмак етказиб берилди.


Инсон хавфсизлиги бўйича Оролбўйи миңтақасига кўп томонлама шериклик Траст жамғармасига хорижий донор давлатлар ва халқаро ташкилотлардан **\$26,1 млн.** маблағ жалб қилинди.





БИТИМЛАР, КЕЛИШУВЛАР, ШАРТНОМАЛАР

2017–2019 йилларда
500 дан ортиқ халқаро мазмундаги
хүжжатлар, жумладан,
39 та давлатларарапо битимлар,
150 та ҳукуматларарапо,
169 та идораларарапо келишувлар,
132 та бошқа халқаро ва мінтақавий
институтлар билан хүжжатлар ҳамда
18 та күп томонлама шартномалар
имзоланди.





ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИХАЛАР

2017–2019 йилларда вазирлик тузилмалари ва хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз умумий қиймати **\$30,1** млрд. бўлган **816** инвестициявий ва иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита иштирок этишди.



ОЛИЙ МАҚОМЛИ ТАШРИФЛАР

2017–2020 йиллар мобайнида умумий ҳисобда **63** та олий даражадаги ташриф ташкил этилди:


2017 йилда 21 та;

2018 йилда 22та;

2019 йилда 18 та;

2020 йилда 2 та.


Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларига, Россия, АҚШ, Франция, Германия, Хитой, Ҳиндистон ва Туркия каби хорижий мамлакатларга ташрифи **39** тани, Европа Иттилоғи, Германия, Туркия, Россия ва Хитой раҳбарларининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекитонга ташрифлари **24** тани ташкил этди.





ДИПЛОМАТИЯ: ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

2017–2020 йиллар давомида “Халқаро битимлар ҳақида”ги, “Консуллик низомини тасдиқлаш түғрисида”ги Қонунлар, “Дипломат этикаси ҳақида” ички кўрсатма, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ва консуллик муассасаларни, ҳамда уларга тенглаштирилган хорижий ташкилотлар ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш жараёнини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори қабул қилиниб, “Дипломатик хизмат түғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.



• 2

ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИДАГИ ЎСИШ

2017 йилда экспорт ҳажми \$12,553 млрд.ни,

2018 йилда \$13,990 млрд.ни,

2019 йилда \$17,458 млрд.ни ташкил этган.

2020 йилда пандемия шароитида ушбу кўрсатгич **\$15,127** млрд. миқдорида қайд этилган.

2020 йилда Ўзбекистоннинг хориждаги барча дипломатик ва консулийк ваколатхонаси вазирлик тизимида экспорт ва иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи доимий ишчи гурӯҳи тузди.

250 та йирик экспортчи корхоналарга манзилли ёрдам кўрсатилди, **42 та** мамлакатга **211 турдаги** маҳсулот экспортини йўлга қўйишида, янги бозорларни ўзлаштиришида амалий ёрдам берилди.

Вазирликнинг бевосита иштирокида умумий қиймати **\$800 млн.га** тенг **900 та** экспорт шартномаси имзоланган.



• 2

ХОРИЖИЙ САЙЁХЛАР ТАШРИФИ

2017 йилда мамлакатимизга 2,69 млн., 2018 йилда 5,34 млн., 2019 йилда 6,75 млн. ва 2020 йилда 1,5 млн чет эллик сайёхлар ташриф буюрган.

Ўзбекистонга сайёхлар оқими кўрсаткичини ошириш мақсадида 85 та мамлакат фуқаролари учун 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий этилди. 77 та мамлакат фуқаролари учун электрон кириш визасини олиш имконияти яратилди.

Ўзбек ишлаб чиққан “SILK ROAD VISA” кўп маротабалик туристик электрон визаси Низоми лойиҳаси Қозоғистон билан биргаликда кўриб чиқилиб, уни икки томонлама Ҳукуматлараро шартноманинг иловаси сифатида тасдиқлашга келишилди.






ХАЛҚАРО МУЗОКАРАЛАР ВА БИТИМЛАР

2017–2020 йиллар мобайнида
Ўзбекистоннинг халқаро алоқалар
доирасида

700 дан ортиқ юқори даражадаги
музокаралар ўтказилди,


532 га яқин турли соҳаларга тааллуқли
икки томонлама шартнома ва битимлар
имзоланди.





ЎЗБЕКИСТОН – ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА

2020–2022 йилларга мўлжалланган
Инвестиция давлат дастуримизни амалга
ошириш доирасида инвестицион лойиҳаларни
жадаллаштириш мақсадида республикага
жами 5 мингдан ортиқ чет эллик
мутахассислар ва хориждан 3 мингга яқин
турли асбоб-ускуналар келтирилди.
Пандемиянинг иқтисодий ва ижтимоий
ҳаётимизга салбий таъсирини камайтириш
мақсадида элчихоналаримиз билан
биргаликда \$350 млн.дан ортиқ грант ва
молиявий-техник маблағлар, \$11,6 млн.дан
ортиқ инсонпарварлик ёрдами ва Сирдарё ва
Бухоро вилоятларига \$1 млн.дан зиёд бегараз
кўмак жалб қилинди.






ЎЗБЕКИСТОН – ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида тузилган махсус штаб ёрдамида пандемия муносабати билан **600** мингдан ортиқ хориждаги фуқароларимизга юртга қайтишида амалий ёрдам кўрсатилди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган **100** мингга яқин фуқароларимизга моддий ва молиявий кўмак берилди.

Ҳукуматимизнинг пандемияга қарши курашиш дастури доирасида **150** нафар чет эллик юқори малакали шифокор ва мутахассисларнинг Ўзбекистонга ишчи ташрифлари уюштирилди.






ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ

2018 йил Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланди.

2020 йил мартдан дипломатик ёки расмий паспорт эгалари бўлган Ўзбекистон ва Япония фуқароларига икки мамлакат ҳудудига визасиз кириш ҳуқуқини берувчи келишувга эришилди.

2020 йилнинг 29 декабрида Давлатимиз Раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида хориждаги ҳамюртларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини яратишга хизмат қилувчи “Ватандошлар” жамғармасини тузиш таклифини берди.

Ўтган давр мобайнида ватандошлар билан биргаликда ваколатхоналаримиз томонидан **500дан ортиқ тадбирлар** (конференция, брифинг, презентация ва учрашувлар) ўтказилди.





МЕҲНАТ МИГРАНГЛАРИ ЎРТ ҲИМОЯСИГА ОЛИНАДИ

Меҳнат мигрантларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги тизимида янги бошқарма тузилди.

Хорижда бўш иш ўринларини аниқлаш, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг касбий малакаси ва чет тилларини билиш даражасини оширишга қаратилган “Йўл харита”си ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Чет давлатларда мавжуд бўлган **12 минг**дан ортиқ бўш иш ўринларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги орқали фуқароларимизни ишга жойлаштириш масалалари хорижий ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилинмоқда.

